

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТУБДАН ОШИРИШ, ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ, ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШДА УЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат куриш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлардан қўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шартини ҳисобланади.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат ҳавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди.

Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган кўйи бўлинини ривожлантириш ва мустақамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш, юртимизда жиноятчиликнинг ўсишига йўл қўймастик имконини берди.

Бугунги кунда юзага келётган ҳавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдида ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўймоқда.

Шу билан бирга, кейинги йилларда ички ишлар органлари фаолиятида тўпланиб қолган жиддий камчилик ва муаммолар ушбу вазифаларни самарали бажаришда тўсиқ бўлмоқда. Хусусан:

биринчидан, республика, ўрта ва кўйи бўғиндаги бўлинмалар ўртасида асосий вазифа ва функциялар аниқ тақсимланмагани ҳар бир ходимнинг фаолияти устувор йўналишларини ва ишнинг пировард натижаси учун шахсий жавобгарлигини белгилашни қийинлаштирмоқда;

иккинчидан, амалдаги ташкилий-штат тузилмала-

ри куч ва воситалардан оқилона фойдаланишни таъминламаяпти, оқибатда марказий ва ўрта бўғиннинг баъзи хизматларида етарли иш ҳажми бўлмай туриб, керагидан ҳам ортиқча штат бирликлари сақланиб турган бир пайтда, кўйи бўлинмалар зиммасига ҳаддан зиёд хизмат вазифалари юкланишига олиб келмоқда;

учинчидан, ички ишлар органлари мансабдор шахслари, шу жумладан профилактика инспекторларининг аҳоли билан мулоқоти йўлга қўйилмаган, фуқаролар билан муомала маданияти пастигича қолмоқда, аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш борасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлик таъминланмапти;

тўртинчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари юзаки қўриб чиқилмоқда, уларда кўтарилган масалалар ҳар томонлама чуқур таҳлил қилинмапти, муурожаатларга расмийлик учунгина жавоб берилаётгани фуқароларнинг норозилигини келтириб чиқармоқда, уларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига ва бошқа ташкилотларга шикоят билан муурожаат этишга мажбур қилмоқда;

бешинчидан, ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг аҳоли олдида ҳисобот бериб боришининг таъсирчан тизими, уларнинг фаолияти устидан жамоатчилик, парламент ва депутатлик назоратининг самарали механизмлари жорий этилмаган, бу эса ходимларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажариши учун масъулиятини ошириш имконини бермапти;

олтинчидан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича ишлар асосан, содир этилган ғайриқонуний қилмишларнинг оқибатларига қарши курашишдан иборат бўлиб қолмоқда, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, уларни содир этиш сабаблари ва шарт-шароитларини чуқур таҳлил қилиш, аниқлаш ва бартараф этиш бўйича тизимли ва самарали чора-тадбирлар қўрилмапти;

еттинчидан, ўсиб келаётган авлодни бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилишга, ёшлар жинсий фаолиятга, аввало, терроризм, терроризм ва диний экстремизмга жалб этилишининг олдини олишга етарлича эътибор қаратилмапти, ички ишлар органларининг тарбиявий ўрни сезилмапти;

саккизинчидан, ички ишлар органлари ходимла-

рини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими ҳозирги талабларга жавоб бермайдиган, порохўрлик ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш ҳолатлари ҳамон учраб турибди;

тўққизинчидан, энг янги ахборот-коммуникация технологияларини тизимга жорий этиш, ички ишлар органларини замонавий воситалар ва асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш даражаси қониқарсизлигича қолмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, шунингдек ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида:

1. Кўйидагилар Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тизимини ислох қилишнинг энг муҳим йўналишлари деб ҳисоблансин:

биринчидан, ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган, ҳар бир ходими томонидан **"Халқ манфаатларига хизмат қилиш"**ни ўз хизмат бурчи деб биладиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантириш;

иккинчидан, замонавий ҳавф-хатар ва таҳдидларни, бажарилаётган ишлар муҳимлиги ва қўламини эътиборга олган ҳолда ички ишлар органлари барча даражадаги бўлинмаларининг вазифа ва функцияларини аниқ белгилаш ҳамда тақсимлаш, ташкилий-штат тузилмасини мақбуллаштириш, куч ва воситалардан оқилона фойдаланиш;

учинчидан, халқ билан аниқ мақсадни қўлаб ўтказиладиган тизимли мулоқотни таъминлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликни ривожлантириш, аҳолининг энг муҳим муаммолари ҳал этилишига ҳар томонлама қўмақлашиш;

тўртинчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлашни ташкил этишнинг сифат жиҳатидан мутлақо янги тартибини ўрнатиш, муурожаатларни қўриб чиқиш ва ҳал этишга юзаки ва расмийлик билан ёндашувларга чек қўйиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ваколат доирасида барча воситаларни ишга солиш;

бешинчидан, ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг аҳоли олдида мунтазам ҳисобот бериб бориши тизимини, қилинган ишларга баҳо беришнинг

аниқ мезонларини, шунингдек уларнинг фаолиятида қонунийликни таъминлаш бўйича жамоатчилик, парламент ва депутатлик назоратининг самарали механизмларини жорий этиш;

олтинчидан, аввало, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўз вақтида бартараф этиш, аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларда қонунга ҳурмат, қонун бузилишининг ҳар қандай қўринишига муросасизлик туйғусини сингдириш йўли билан ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикаси ва олди олиншини таъминлаш;

еттинчидан, вояга етмаганлар ва ёшларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган авлодни терроризм, диний экстремизм, зуравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилишга қаратилган тизимни ривожлантириш;

саккизинчидан, ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан қайта қўриб чиқиш ҳамда янада такомиллаштириш, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишига олиб келаётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш;

тўққизинчидан, ички ишлар органлари барча бўлинмаларининг фаолияти янада самарали бўлишини таъминлайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;

ўнинчидан, ички ишлар органлари фаолиятининг моддий-техника таъминотини янада яхшилаш, ходимларнинг самарали ишлаши учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, уларни хизмат тураржойлари билан таъминлаш.

2. 2017 йил 1 октябрдан қўйидаги тартиб ўрнатилсин: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан бир йилда икки марта Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси ҳолати тўғрисидаги ҳисоботи эшитилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоятлар Кенгашилар томонидан ҳар чорақда тегишича Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг ҳисоботлари эшитилади;

Давоми 2-бетда. ➡

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

Янгийўл туманининг "Навбахор" маҳалласидаги 47-уйнинг тўртинчи қаватига ичимлик суви чиқмай қолган, бу ерда яшовчи аҳоли оби ҳаётни пастдан ташиб, гоҳида сотиб олиб ича бошлади. Одатда бундай муаммоларни тез бартараф этиш

лозим. Лекин, бу гал орадан бир-бир ярим ой ўтди. Натижа бўлавермагач, шу уйнинг 24-хонадонда яшовчи Нилуфар Сафоева қўни-қўшинлар номидан Президентимизнинг виртуал қабулхонасига муурожаат йўллади.

МУАММОЛАР МУЛОҚОТЛАРДА ЕЧИМ ТОПМОҚДА

Н. Сафоева сингари виртуал қабулхонага муурожаат қилганлар орасида зангиоталик Ортиқхўжа Баҳодиров ҳам бор. У ўзи яшаб турган "Мустақиллик" маҳалласининг Оқсув кўчасидаги ўндан зиёд хонадоннинг электр энергия таъминотида юзага келган муаммолари ҳақида ёзган. Қуни кеча Зангиота тумани ҳокимлигида бўлиб ўтган очик мулоқотда Президентимизнинг виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига Зангиота ва Янгийўл туманлари аҳолиси томонидан йўлланган бу каби кўллаб муурожаатлар атрофида қўриб чиқилди. Эътиборли жиҳати, шу жойининг ўзида бир

қанча масалалар, жумладан, янгийўллик Нилуфар Сафоева, зангиоталик Ортиқхўжа Баҳодировнинг муурожаати ўз ечимини топди. – Насоснинг носозлиги туфайли уйимизга сув чиқмай қолган экан, – дейди "Навбахор" маҳалласидаги 47-уй, 24-хонадонда яшовчи Нилуфар Сафоева. – Очик мулоқотда қатнашган вилоят сув идораси раҳбари Нўмон Аминов уйимиз учун янги насос ажратилганда амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар доирасида халқ билан мулоқот қилиш ва муурожаатлар билан ишлаш масаласига жиддий эътибор қаратилгани, турли даражадаги

си Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Марказий банк, Бош прокуратура, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Мудофаа, Молия, Меҳнат, Адлия вазириликлари, давлат қўмиталари раҳбарлари, Тошкент вилояти, Зангиота ва Янгийўл туманлари ҳокимликлари масъул ходимлари иштирок этган сайёр қабулда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳномалигида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар доирасида халқ билан мулоқот қилиш ва муурожаатлар билан ишлаш масаласига жиддий эътибор қаратилгани, турли даражадаги

давлат органлари фаолиятида "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган таъминлаш қатъий амал қилинаётгани, бу ишлар инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди. Мулоқотда фуқароларнинг тегишли соҳалар масъул ходимлари билан бемалол, очик-ойдин суҳбатлашиши, ўз дардини, ташвишини айта олиши ҳамда муҳокамалар учун етарлича шарт-шароит яратилгани ишни янада самарали ташкил этиш имконини берди.

Давоми 2-бетда. ➡

ҚИШЛОҚ САНОАТИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Халқимизда "Иш биланга минг танга" деган нақл бор. Айримлар буни ҳазилга йўяди. Аслида унинг тагида катта маъно мужасам. Бу ҳикматни англаганлар мамлакатимизда яратиб берилаётган қулай шарт-шароит ва имтиёزلардан оқилона фойдаланиб ўз бизнесини ташкил этмоқда, тадбиркор бўлмоқда, қўшимча даромад олмақда, нафақат оиласига, балки давлатга ҳам манфаат келтираётди.

Кичик бизнес



Азамат АХМЕДОВ олган сурат.

Сайёр қабул

Зангиота тумани ҳокимлиги мажлислар залида вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиёва фуқароларни сайёр қабул қилди. Унда асосан оила – турмуш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир масалалар кўтарилди.

Айтиш мумкинки, бу каби мулоқотлар мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев бошчилигида олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга бу жараёнда айрим



АЁЛЛАР ВА ОИЛА – ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг эътиборсизлиги сезилиб қолаётгани ҳам бор гап. Зеро, аҳоли муурожаатлари мазмуни шундай дейишга изн беради. Мулоқот давомида фуқаролар томонидан кўтарилган барча муаммолар атрофида ўрганилди. Тегишли масъуллар томонидан муаммоларнинг ҳал этилиш муддатлари белгиланди. Жумладан, илгари бир неча бор ногиронлик аравачаси ораб муурожаат қилган фуқаролар – Хонобод худуди, "Тошкент" маҳалласи, Соё бўйи кўчаси, 217-уйда яшовчи Ўлмасхон Ҳамидовнинг ҳамда Гулистон худуди, "Қашкарлик" маҳалласи, 14-уйда яшовчи Мухлиса Фатхуллова-

нинг муурожаатларига кўра, уларга қабул жараёнининг ўзида ногиронлик аравачаси топширилди. Шу билан бирга Келес шаҳарчаси, "Кўктерак" маҳалласи, Ойбек кўчаси, 21-уйда яшовчи Дилфуза Охунжоновага ҳам муурожаатига кўра, ҳужжатлар тўпланиб, бир ҳафта муддатда ногиронлик аравачаси олиб берилиши бўйича келишиб олинди. "Тариктешар" маҳалласи, Қаҳрамон кўчасидаги 35-уйда яшовчи Нигора Тошбоеваннинг йўқотилган паспортининг ўрнига янгисини олишига турман ИИБ масъул ходими Э. Носиров белгиланган тартибда ҳужжатларни расмийлаштириб, амалий ёрдам кўрсатадиган бўлди. Ўзгариш худуди, "Чор-

боғ" маҳалласи, Наврўз кўчасида яшовчи Баҳодир Эшбо-тировнинг оиласини сақлаб қолиш учун унинг турмуш ўртоғи яшаётган Тошкент шаҳар, Сергели тумани хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда яраштириш чоралари кўрилмоқда. Бундай сайёр мулоқотлар вилоятимиз шаҳар, туманларида давом этади. Мухими, бу каби муаммолар ўз вақтида, жойида ҳал этилса, халқимиз ҳаётдан рози бўлиб, бахтисаодатли умр кечириши шубҳасиз.

Сайёра РИХСИЁВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири. Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.

Маънавият

КИТОБГА ОШУФТА КЎНГИЛ

Шу кунларда китобу китобхонлик ҳақида кўп гапирилаяпти. Газеталарда мақолалар чоп этилаяпти. Телевидениеда махсус кўрсатувлар ҳам ташкил этилди. Бу – глобаллашув, оммавий маданият хуружи кучайиб бораётган ҳозирги давр талаби. Болалар, ўсмирлар, умуман ёшларни виртуал оламнинг ҳалокатга элтувчи уйинлари гирдобига тушиб қолишдан асраш учун ҳам шундай қилиш зарур. Айниқса, ота-онаси яши назорат қилмайдиган бекорчи ўсмирларнинг аввалига шунчаки қизиқиб интернетга киришлари, кейин эса ўзлари сезмаган ҳолда унинг қулига, қурбонига айланишлари ҳеч гап эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТУБДАН ОШИРИШ, ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ, ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШДА УЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши томонидан ҳар чорақда туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиқларининг ҳисоботлари ҳамда ҳар ойда уларнинг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари – ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлимиси) бошлиқларининг ҳисоботлари эшитилади.

Ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари эшитилаётганда улар зиммасига юклатилган вазифалар бажарилиши юзасидан кўрилатган чоралар ва ишлар натижаси танқидий муҳокама қилиниши, улар фаолиятининг самарадорлигига алоҳида баҳо берилиши, шунингдек эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолойиқлиги ҳақида тавсиялар қабул қилиниши белгилаб қўйилсин.

3. Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси негизда – Жиноят қидирув бошқармаси ҳамда Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бошқармаси;

Эксперт-криминалистика маркази ва Эксперт-портлатиши техникаси маркази негизда – Эксперт-криминалистика бош маркази;

Молия-иқтисодийёт бошқармаси, Моддий-техника таъминоти бошқармаси, Хўжалик бошқармаси, Капитал қурилиш бошқармаси негизда – Молия ва моддий-техника таъминоти бошқармаси;

Ташкилий-инспекторлик бошқармасининг Халқаро ҳамкорлик бўлими ҳамда Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармасининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ушбу соҳада халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик бўлими негизда – Халқаро ҳамкорлик бошқармаси ташкил этилсин.

4. Куйидагилар:
Тергов бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Тергов департаментига;

Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати Кадрлар бошқармасига;

◀ Бошланғич 1-бетга.

Ташкилий-инспекторлик бошқармаси Ташкилий-инспекторлик ва ахборот-таҳлил бошқармасига;

Хорижга чиқиш, кириш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасига;

Шахсий таркиб бўйича махсус инспекция Ўз хавфсизлиги бошқармасига;

Котибият Жисмоний, юридик шахсларнинг муносабатлари билан ишлаш ва иш юритиш бошқармасига;

Алоқа бўлими Ахборот технологиялари, алоқа ва ахборотни ҳимоялаш бошқармасига;

Транспортдаги ички ишлар бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармасига, тароққ ички ишлар бошқармалари (бўлимлари, бўлимчалари) транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлимларига;

Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти Ҳарбий-техника институтига;

Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби Ёнғин хавфсизлиги институтига;

сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказлари ички ишлар органлари ходимларини бошланғич тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказларига ўзгартирилсин.

5. Туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлигининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари – ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлимчиси) бошлиғи лавозими жорий этилсин ва у профилактика инспекторлари ишини, авваламбор, вояга етмаганлар ҳамда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ишини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш учун жавобгар бўлиши белгилансин.

6. Куйидаги устувор йўналишлар назарда тутилган Ички ишлар органлари тизимини тубдан ислоҳ қилиш комплекс чора-тадбирлар Дастури (кейинги ўринларда – Дастур) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

ички ишлар органлари фаолиятини таъминлаштириш, вазифа ва функцияларини мақбуллаштириш бўйича институционал ўзгаришлар;

ички ишлар органларининг фаолиятини очиқ ва ошқорча, шунингдек фуқароларнинг уларга ишончи амалга оширилиши билан тарзда ташкил этиши;

кадрларни тайёрлаш, танлаш ва жой-жойига қўйишнинг илғор механизмларини жорий этиши, уларнинг малакаси, маънавий-ахлоқий фазилатларини ошириш орқали кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш;

ички ишлар органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиши;

ички ишлар органларининг моддий-техника базаси, ҳодимларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уй-жой-майши шaroитларини янада яхшилаш.

Дастурда назарда тутилган тадбирлар ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши учун вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари шахсан жавобгар эканлиги белгилаб қўйилсин.

7. Ички ишлар органлари тизимини тубдан ислоҳ қилиш комплекс чора-тадбирлар Дастурини амалга ошириш бўйича Махсус комиссия 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Махсус комиссия (А. А. Азизов):
вазирлик ва идоралар мутахассислари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларининг етакчи олимлари, фуқаролик жамятини институтларининг вакилларини жалб қилган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича эксперт гуруҳларини тuzсин ва уларнинг самарали иш олиб боришини ташкил этсин;

қонун ҳужжатлари, ҳуқуқни қўллаш амалиёти чуқур танқидий таҳлил қилинишини ва илғор хорижий тажриба ўрганилишини, шу асосда Дастурда назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашни таъминласин;

Дастурда назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари изчил ва сифатли тайёрланиши, ўз вақтида кўриб чиқиши ва белгиланган тартибда киритилишини, шунингдек бошқа тадбирлар

амалга оширилишини доимий назорат қилсин.

8. 2025 йилнинг 1 январига қадар Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ва Дастур тадбирларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатлар бўйича олиб қелинадиган ускуналар, техника, алоқа тизими ва воситалари, дастурий таъминот маҳсулотлари ҳамда бошқа моддий-техник восита ва ресурслар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштирувлари учун йиғимлардан ташқари) озод этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан биргаликда бир ҳафта мuddатда ички ишлар органлари фаолиятини янада таъминлаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ички ишлар органларининг янги ташкил этилаётган бўлимларини жойлаштириш, жиҳозлаш ва улар фаолиятининг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда тўлиқ фаолият кўрсатишини таъминлаш учун бошқа ташкилий масалаларни ҳал этиш бўйича асосланган раҳбарлик қарорларини киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси О. Б. Муродов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 10 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТУБДАН ОШИРИШ, ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ, ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШДА УЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Ички ишлар органлари аҳолининг тинч ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш, жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш, шунингдек бошқа ҳаётий муҳим вазифаларни амалга оширишда алоҳида ўрин эгаллайди. Мустақиллик йилларида ички ишлар органларини жазоловчи, назорат қилувчи органдан халқ жамяти ва давлат манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айлантириш бўйича самарали ишлар амалга оширилди.

Ўтган давр мобайнида олиб борилган тизимли чора-тадбирлар якуни бўйича жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси, жамоат тартибини сақлаш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян натижаларга эришилди. Ички ишлар органлари фаолиятининг асосий соҳаларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга йўналтирилган "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида", "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида", "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди.

Ушбу йўналишда амалга оширилаётган ислохотларнинг мантқий давоми сифатида ички ишлар органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, уларнинг вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини қонун даражасида белгилаш, ички ишлар органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш мақсадида ўтган йилнинг сентябрь ойида "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.

Бироқ, мазкур Қонун талабларини амалиётга жорий этиш имкониятлари, шунингдек, фуқароларнинг ички ишлар органлари фаолиятига доир муносабатларини ўрганиш соҳада ҳамон ўз ечимини кутаётган кўплаб муаммо ва масалалар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатлар таҳлили ички ишлар органлари фаолиятини танқидий қайта кўриб чиқиш ва тубдан таъминлаштириш зарурлигини далолат бермоқда.

Миллий ва хорижий тажриба шуни кўрсатдики, жиноят ва бошқа ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда техника воситаларидан фойдаланиш, ҳуқуқбузарликни содир этган шахс устидан назоратни кучайтириш каби аънанавий чора-тадбирлар жиноятчилик даражасини камайтиришда ҳар доим ҳам қўлланган натижаларни бермапти. Бу эса, ўз навбатида,

ҳуқуқбузарликлар профилактикасида янги иш услубларини қўллаш, аҳоли ва жамоатчилик билан яқин мулоқотни йўлга қўйиш, ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, шунингдек, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бундай камчиликларни бартараф этиш ва ўз ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этишга қаратилган.

Фармонда мавжуд жиддий камчилик ва муаммолар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда салбий оқибатлари чуқур таҳлил қилинган.

Жумладан, республика, вилоят ва туман даражасидаги бўлимлар ўртасида асосий вазифа ва функциялар аниқ тақсимланмаган, ички ишлар органларининг иш ҳажми ташкилий-штар тузилмасига мос келмайди. Бунинг оқибатида юқори бўғиндаги айрим бўлимлар ходимлари ўз иш фаолиятида мавжуд куч ва имкониятларини тўлиқ ишга солмаётган бир пайтда, куйи бўғин бўлимлари ходимлари зиммасидаги хизмат вазифалари уларнинг ҳақиқий имкониятларидан анча юқорилгича қолмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ходимларнинг ўз хизмат мажбуриятларини бажаришда масъулиятнинг сусайишига сабаб бўлмоқда.

Ички ишлар органлари мансабдор шахслари, профилактика инспекторларининг аҳоли билан муносабатларини ўзгартиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши билан ҳамкорлик қилмаётганлиги сабабли аҳолининг муаммо ҳамда ташвишларидан хабардор эмаслиги тизимнинг энг асосий вазифаси ҳисобланган профилактика ишларида жиддий камчиликларни юзга келтирмоқда.

Тизимда иш фаолиятининг самарадорлиги ва махсулдорлигига эришиш, авваламбор, аҳоли билан бевосита мулоқот ўрнатиш, фуқаролик жамятини институтлари билан яқин ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни йўлга қўйишни талаб этади.

Ички ишлар органлари фаолиятидаги мавжуд фуқаролар мурожаатлари билан ишлашга етарлича эътибор бермаслик, бевоситалик, ишга юзак муносабатда бўлиш ва расмиятчилик, аҳоли билан мулоқот қилиш маданиятининг паслиги, афсуски аччиқ ҳақиқатдир. Оқибатда бундай вазиятдан норози бўлган фуқаролар юқори ташкилотларга шикоят қилмоқда.

Фармонда бу каби муаммо ва камчилик

ларни ҳал этиш учун ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари белгиланган берилди. Хусусан, ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатишда ижтимоий йўналтирилган профессионал хизматга айлантириш зарурлиги, "Халқ манфаатларига хизмат қилиш" ҳар бир ходимнинг асосий хизмат бурчи экани қайд этилди.

Шунингдек, Фармонда барча бўғиндаги ходимларнинг асосий вазифаларини оқилона тақсимлаш бўйича чора-тадбирлар кўзда тутилган, аҳоли билан доимий манзилли мулоқот ўрнатиш, ички ишлар органлари раҳбарларининг ҳокимият вакиллик органи тисмолида халқ олдида ҳисобот бериш амалиётини жорий қилиш, ички ишлар органлари фаолиятининг моддий-техника базасини янада яхшилаш каби асосий йўналишлар алоҳида белгилаб берилган.

Фармонда ички ишлар органлари фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратининг янги тизими ўрнатилмоқда. Жумладан, Олий Мажлис Сенати томонидан бир йилда икки марта Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси ҳолати тўғрисидаги ҳисоботини эшитиш тартиби жорий этилмоқда. Худди шундай, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғори Кенгеси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоятлар Кенгаши ҳар чорақда тегишли ички ишлар органлари ҳудудий бўлимлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши ҳар чорақда туман (шаҳар) ички ишлар бўлимлари раҳбарларининг ҳисоботини, ҳар ойда эса унинг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарининг ҳисоботини эшитади.

Ушбу эшитувлар давомида ички ишлар органлари мансабдор шахслари томонидан ўз зиммасига юклатилган вазифаларини бажаришга, хусусан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси, жиноятларни фoш этиш, жиноятчилик ҳолатини, ҳуқуқбузарликлар қўпайишига олиб келадиган сабаб ва шарт-шaroитларни таҳлил қилишга доир кўрилатган чора-тадбирлар танқидий муҳокама қилинади. Эшитувлар якунлари бўйича ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигига баҳо берилди, шунингдек, мансабдор шахсларга нисбатан эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолойиқлиги ҳақида тавсиялар қабул қилинади.

Ички ишлар органлари куйи бўғини фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида Фармон билан туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлигининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари – ҳуқуқбузарликлар профилактикаси

бўлими (бўлимчиси) бошлиғи лавозимини жорий этиш кўзда тутилмоқда. Унинг зиммасига профилактика инспекторлари ишини, авваламбор, вояга етмаганлар ҳамда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ишни самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси юклатилади.

Шу билан бирга, Фармонда тизимда қатор ташкилий ўзгаришлар назарда тутилган. Айни пайтда дунёнинг турли минтақаларида халқаро терроризм ва диний экстремизмнинг янги таҳдиллари пайдо бўлаётгани жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолиятни ички ишлар органларининг биринчи даражали вазифаси сифатида янада кучайтириш зарурлигини таъкидламоқда. Ушбу ҳолатлар эътиборга олинган ҳолда, Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси негизда Жиноят қидирув бошқармаси ҳамда Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бошқармаси ташкил этилмоқда.

Жиноятларни тергов қилиш ички ишлар органларининг яна бир муҳим вазифаларидан биридир. Шу муносабат билан, тергов органларининг мустақиллигини таъминлаш, уларнинг ўз ваколатларини амалга ошириши учун зарур шарт-шaroитларни яратиш мақсадида Тергов бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Тергов департаментига ўзгартирилмоқда.

Таъкидлаш ўринлики, кадрлар билан ишлаш, уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими қоникарли даражада эмаслиги ички ишлар органлари фаолиятидаги мавжуд камчилик ва муаммолар сабабларидан биридир.

Тизимга билимли, ўз ишига содиқ ва масъулият билан ёндашадиган, ҳуқуқ-тартибот ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни ўзининг муқаддас бурчи ҳамда асосий мажбурияти деб биладиган кадрларни жалб қилишга етарлича эътибор берилмапти. Бу борадаги камчиликларни бартараф этиш, шунингдек, кадрлар билан ишлашнинг янги тизимини яратиш мақсадида Кадрлар бошқармаси ва Ўз хавфсизлиги бошқармаси ташкил этилади.

Бундан ташқари, сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказлари, Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти ва Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби фаолияти ҳам қайта кўриб чиқилди. Улар янги талаблар асосида фаолият юритиладиган ички ишлар органлари ходимларини бошланғич тайёрлаш ва малакасини ошириш марказлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ҳарбий-техника ва Ёнғин хавфсизлиги институтларига айлантирилади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг халқаро алоқалари кенгайиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги жадал ривожланмоқда. Бироқ бугунги кунгача вазирлиқнинг ушбу йўналишдаги фаолияти бир неча бўлинмалар томонидан иккинчи даражали вазифалар сифатида амалга ошириб келинган. Шулар эътиборга олиниб, Фармон билан тегишли таркибий бўлимлар негизда Халқаро ҳамкорлик бошқармаси ташкил этилади.

Шунингдек, паспорт тизими талабларини амалга ошириш, хорижга чиқиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва бўлиш қондаларини бажариш устидан назоратни амалга ошириш масалалари бўйича ҳам муаммолар мавжуд. Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасининг аҳоли кўп муносабат қиладиган туман (шаҳар) бўлимларида иш ҳажмининг тўғри тақсимланганлиги сабабли ноқулайликлар ва сансалорликлар юзга келмоқда. Ички ишлар органлари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш зарурлиги эътиборга олиниб, ушбу йўналишда Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида"ги Қонуни талаблари етарли даражада бажарилмаётгани кўп жиҳатдан асосий вазифаси мурожаатлар билан ишлаш ҳисобланган аниқ таркибий тузилманинг йўқлиги билан боғлиқдир. Бунинг оқибатида фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқишини таъминлашда камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Шу муносабат билан Фармонда Ички ишлар вазирлигининг Жисмоний, юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва иш юритиш бошқармасини ташкил этиш кўзда тутилган.

Фармонда қайд этилган асосий вазифаларни бажариш бўйича зарур ташкилий ва ҳуқуқий механизмларни амалга ошириш мақсадида Ички ишлар органлари тизимини тубдан ислоҳ қилиш комплекс чора-тадбирлар Дастури тасдиқланди.

Фармон ички ишлар органлари тизимида тув ислохотларнинг янги босқичини бошлаб беради. Унинг ижросини таъминлаш қонун устуворлигига эришиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ўз вақтида амалга ошириш, ҳуқуқ-тартибот ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади, пировард натижада эса фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш борасида ички ишлар органлари бутун тизими ва ҳар бир ходим фаолияти самарадорлиги ошади.

МУАММОЛАР МУЛОҚОТЛАРДА ЕЧИМ ТОПМОҚДА



– Бундай учрашувлар, катта-кичик раҳбарларнинг қишлоқларда яшовчи мен каби оддий одамлар билан юзма-юз мулоқот қилиши, уларнинг дардига қулоқ тутиши, бир сўз билан айтганда, одамни ҳар томонлама тушуниши фуқароларимизни эрданги кунга бўлган ишончнинг янада мустаҳкамламоқда, – дейди Зангиота туманида-

◀ Бошланғич 1-бетга.

ги "Чорбоғ" маҳалласи фаоли Хобибулло Тиллаев. – Юртдошларимизнинг бу ишончи, халқимизни рози қилишга қаратилган саъй-ҳаракатлар ҳаммамизни янада самарали меҳнат қилиш, элу юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга ундамоқда, куч-гайрат бағиш-ламоқда.

Маълумотларга кўра, жорий йилнинг 7 апрель кунига қадар Зангиота ва Ян-

нинг асосий қисми кўриб чиқилган, қолгани ижро жараёнида.

Сайёр қабулда туман, шаҳар ва вилоят мутасадди идоралари, шунингдек, тегишли вазирлик ҳамда ташкилотларнинг масъул ходимларига аниқ мuddатларда муаммоларга ечим топиш бўйича кўрсатмалар берилади, ижроси доимий назоратда экани айтиб ўтилди.

Очиқ мулоқотда Ўзбеки-

стон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Худойбергенов, Тошкент вилояти ҳокими Ш. Бобоев иштирок этди.

Худди шундай ҳудудий мулоқотлар Куйи Чирчиқ тумани ва Чирчиқ шаҳрида ҳам бўлиб ўтди.

Холмурод САЛИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.
Азамат АХМЕДОВ
олган сурат.

Вилоятимиз ҳудудларида бундай тадбиркорлар сафи кенгаймоқда, янги-янги замонавий ишлаб чиқаришлар йўлга қўйилаётган, мавжуд корхоналарда кенг қўлмали модернизиация ишлари олиб борилмоқда. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкин, Қибрай туманидаги "Kamilka Products" масъулияти чекланган жамият ҳам ана шундай ишбилармонлар меҳнати маҳсули ва истиқболли кўзлаб фаолият юритаётган корхоналардандир.

Корхона сутни қайта ишлаш ва судтан турли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Бугун бундай тайёрланган қаймоқ, кефир, йогурт, мевали

Бошланғич 1-бета.

второг сингари ўнлаб турдаги маҳсулотлар ўз истеъмолчиларига манзур бўлмоқда. Корхонада ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ экологик тоза маҳсулотлар етказиб беришга асосланган. Дарвоқе, ҳозирда Тошкент шаҳри ва вилоятимизнинг кўплаб савдо рашталарида корхонанинг аниқ, банан, олча, ўрик таъми йогуртларини ҳам харид қилиш имкони пайдо бўлди.

Корхона ўз фаолиятини 15 кишилик жамоа билан бошлаган. Айни пайтда бу ерда

50 нафардан зиёд ишчи-ҳодим фаолият юритмоқда. Уларнинг 20 нафари тумандаги касб-хунар коллежларини битирган ёш мутахассислардир.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган алоҳида эътибор, жумладан, манфаатларимизни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари мустақамланиб, турли имтиёзлар берилётгани ишимизнинг самарасини оширмоқда, — дейди корхона раҳбари Шокир Зарипов. —

Бундай имкониятлардан фойдаланиб, ишлаб чиқариш кўламини янада кенгайтирмоқдамиз. Бугунги кунда маҳсулотларимиз республикамиздаги

кўплаб ташкилот ва муассасаларга ҳамда 500 дан ортиқ савдо нуқталарига етказилмоқда. Яқин келажакда маҳсулотларимизни хорижий мамлакатларга экспорт қилиш режамиз бор.

Албатта, бозорнинг талаби қаттиқ. Хар қандай корхона бозордаги ўрнини мустақамлаш учун аввало, рақобатбардор ва сифат-

ли маҳсулот тайёрлаш йўлидан бориши керак. Жамоада бу масала ҳам доимий эътиборда. Шу мақсадда Италиядан келтирилган замонавий технологи-

раётганини ҳам таъкидлаш жоиз. Ҳудуддаги чорвачиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари билан тузилган шартномаларга қатъий амал қилинмоқда. Бундан ҳар икки томон ҳам манфаат кўрмоқда. Айни кунларда корхонада кунига ўртача 7 тонна сут қайта ишланмоқда. Бозор талабларини мунтазам ўрганиб бориш мақсадида мониторинг хизматини йўлга қўйиш, миқозлар сафини кенгайтириш, истеъмолчиларнинг талаб ва ихтиёжларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот турларини янада кўпайтириш корхонанинг энг асосий мақсадларидандир.

Шу ўринда, корхона тўлиқ маҳаллий хом ашёдан маҳсулот чиқ-

раётганини ҳам таъкидлаш жоиз. Ҳудуддаги чорвачиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари билан тузилган шартномаларга қатъий амал қилинмоқда. Бундан ҳар икки томон ҳам манфаат кўрмоқда. Айни кунларда корхонада кунига ўртача 7 тонна сут қайта ишланмоқда. Бозор талабларини мунтазам ўрганиб бориш мақсадида мониторинг хизматини йўлга қўйиш, миқозлар сафини кенгайтириш, истеъмолчиларнинг талаб ва ихтиёжларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот турларини янада кўпайтириш корхонанинг энг асосий мақсадларидандир.

Шу ўринда, корхона тўлиқ маҳаллий хом ашёдан маҳсулот чиқ-

Партиялар ҳаётдан

ПАРТИЯ ТАДБИРКОРЛИККА ЧОРЛАЙДИ



2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси асосида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, ҳаётнинг барча соҳалари, айниқса, иқтисодиётни либераллаштиришга қаратилган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, O'zLiDeP Тошкент вилояти Кенгаши томонидан Олмалиқ шаҳрида "Аҳоли орасида тадбиркорликни кенг тарғиб қилиш" мавзусида амалий мулоқот ўтказилди.

Тадбирда ушбу партия хусусий мулкнинг ривожланиши йўлидаги барча муаммоларни бартараф этиш, мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушини ошириш, шу билан бирга тадбиркорлик субъектлари молиявий-ҳўжалик фаолиятини ноқонуний аралашувларга йўл қўймасликка алоҳида эътибор қаратиши таъкидланди.

Бугунги кунда партия тижорат банклари билан ҳамкорликда аҳолининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб қилиш, ўз бизнесларини йўлга қўйишлариغا кўмаклашиш, ёшларни касб-хунарга йўналтириш ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолияти-да учраётган муаммоларини ҳал этиш борасида самарали ишлар олиб бормоқда. Жойларда маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари билан ҳамкорликда хонадонларда бўлиб, аҳолининг тадбиркорликка бўлган қизиқи-

ши ўрганилиб, уларга зарур тақлиф ва тавсиялар берилмоқда.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган йўналишлардан бири аҳолини тадбиркорликка жалб этиш орқали иш ўринлари яратишдир, — дейди партия вилоят Кенгаши ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Достон Давронов. — Бугунги тадбирда вилоятимизнинг маҳалла фуқаролари йиғинларидаги вақтинча ишчи ёшларни тадбиркорлик ва фермерлик фаолиятига қизиқтириш, ўз бизнесини ташкил этиш учун иқтисодий ва ҳуқуқий шароитлар яратишга бағишлаб, ижтимоий сўроғнонриш ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолияти-да учраётган муаммоларини ҳал этиш борасида самарали ишлар олиб бормоқда. Жойларда маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари билан ҳамкорликда хонадонларда бўлиб, аҳолининг тадбиркорликка бўлган қизиқи-

Хуршида ТУРСУНБЕКОВА, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

Вилоят ҳаёти

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРҒИБОТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларида оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида бир қанча лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Хусусан, Оққўрғон туманидаги музика ва санъат мактабиди "Соғлом оилга — маънавияти соғлом авлод билан" лойиҳаси асосида ташкил этилган тадбир ҳам шу мавзуга бағишланди. Унда туман табиёт бирлашмаси шифокорлари, маҳаллалар фаол аёллари ва таълим муассасаси ўқувчи-қизлари қатнашди.

Лойиҳанинг асосий вазифаси вилоят аҳолисининг табибий билимини ошириш, қариндошлар ўртасидаги ҳамда эрта никоҳнинг олдини олиш, ёш оналарга соғлом фарзандни дунёга келтириш юзасидан тавсия

ҳамда табибий маслаҳатлар беришдан иборат. Узаро фикр-мулоҳазаларга бой тарзда ўтган тадбир вилоят "Ижтимоий ҳимоя" жамияти, туман хотин-қизлар кўмитаси, ўрта-маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари, Саломатлик ва табибий статистика институти вилоят бўлими ҳамда ўзини ўзи бошқариш идоралари билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Тадбир сўнггида иштирокчиларга грант лойиҳаси асосида тайёрланган маҳсус дастурий қўлланма ва буклетлар тарқатилди.

Лазиз ИСОҚОВ.

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг Тошкент вилояти бўйича ҳисобот сайлов конференцияси бўлди. Унда ассоциациянинг сўнгги беш йилдаги фаолияти бўйича ҳисобот тингланди.

Ташкилот фаолиятининг устувор йўналишлари бўйича 2017-2019 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури лойиҳасига тақлифлар ишлаб чиқилди, ахлоқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди, шунингдек, республика ҳисобот сайлов конференциясига делегатлар сайланди. — Ресурс маркази 2015 йилда "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамоат фонди негизида ташкил этилган, — дейди ресурс маркази раҳбари Баҳром Холдоров. — Бугунги кунда Тошкент вилоятида 800 дан ортиқ ННТлар бўлиб, ассоциация аъзолари сони 51 тани ташкил этмоқда. Марказимизга жойлардаги

ННТлар томонидан давлат грантларини олиш, қўллаб-қувватланган лойиҳаларнинг якуний ҳисоботларини тайёрлаш, моддий-техника ва жой билан таъминлашга кўмаклашиш бўйича муурожаатлар келиб тушмоқда.

Тадбир сўнггида вилоятда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва давлат органлари ўртасида ижтимоий шериклик муносабатларини мустақамлаш борасида олиб борилаётган сайёра ҳаракатлари учун Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияси ташакурнома билан тақдирланди.

Хуршида НАЗАРОВА.

САФГА КИРИШ ҲАЯЖОНЛАРИ

Ўрта Чирчиқ туманидаги Аграрношахт ва транспорт касб-хунар коллежи ўқувчиларига фуқаролик паспортлари тантанали равишда топширилди.

Фуқаролик паспортини олишим тенгдошларимиз катори мен учун ҳам унутилмас воқеа бўлди, — дейди илк марта паспорт олган Саиджон Тоҳиржонов. — Бу бизни бундан-да ғайрат ва шижоат билан ўқишга, фахр-ифтихор билан Ватан равнақи ва юрт тинчлиги йўлида сидқидилдан

хизмат қилишга чорлайди. Тадбир давомида ёш ишқдор ўқувчилар томонидан Ватан, мустақиллик, тинчлик тараннуми этилган шеърлар ўқилиб, концерт дастури, "Кувноқлар ва зукколар" жамоаларининг чиқаришлари намойиш этилди.

Отабек ИСРОИЛОВ.

САЙЁРА РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИДА

Юқори Чирчиқ туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабиди "Йилнинг энг яхши фан ўқувчиси" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда вилоятимизнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган энг иқтидорли ўқувчилар 11 та фан йўналиши бўйича ўз маҳоратларини намойиш этди.

Тўрт босқичли шартлар асосида ўтказилган танловнинг француз тили фани номинацияси йўналишида ҳам беллашувлар қизгин

кечди. Яқунда ушбу фан бўйича энг юқори балл тўплаган Паркент туманидаги 6-умумтаълим мактаби ўқувчиси Сайёра Қурбоналиева ғолибликни қўлга киритди. Энди у ўз фани бўйича танловнинг республика босқичида вилоятимиз шарафини ҳимоя қилади.

Абдузхур ҚОРАБОЕВ.

ПЕДАГОГЛАР БЕЛЛАШДИЛАР

Вилоят Халқ таълими ҳодимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун назарий ва амалий машғулотлар, маънавий-маърифий тадбирлар, учрашув, суҳбат ҳамда турли танловлар ўтказиб келинмоқда.

Институт маъмурияти ва касба уюшмаси томонидан профессор-ўқувчилар ва ҳодимлар учун ташкил этилган навбатдаги тадбир ўзига хос спорт мусобақасига улашиб кетди. Унда иштирокчилар шахмат, шашка,

дартс, гардиш айлантириш, стол теннис каби спорт турлари бўйича ўзаро беллашдилар. Ғолиблар ташкилотчиларнинг фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Диляноза ТОШМУҲАМЕДОВА.

МАЪРИФИЙ ОҚШОМДА САФДОШЛАР ШОДОН

Бўстонлик туманидаги Музика ва санъат мактабиди "Йўл ҳаракати хавфсизлиги қондаларига амал қилиш", "Бугунги кунда дунёда оммавий маданият ва интернетнинг салбий оқибатлари" мавзуларида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Шукур

Республика маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими, вилоят маданият бошқармаси, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ҳамкор-

ликда ташкил этган тадбирда элимиз ардоғидаги санъаткорлар ҳамда туманининг тоғли ҳудудида хизмат фаолиятини олиб бораётган ҳарбийлар,



Уларнинг оила аъзолари иштирок этди.

Кизгин савол-жавобларга бой тарзда ўтган тадбир йиғилганларда қатна таассурот қолдирди. Санъаткорларнинг дўстлик, она юрт, баҳор фаслини мадҳ этувчи куй-қўшиқлари барчада кўтаринки кайфият уйғотди.

Абдулазиз МУСАЕВ, Мансур ҲИММАТОВ олган сурат.

КҮН ТАРТИБИДА БАНДЛИК МАСАЛАСИ

Олмалиқ шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Қуролли қучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб келган ёшлар, касб-хунар коллежлари ҳамда умумтаълим мактабларининг битирувчилари иштирокида "Ватан келажак сенинг қўлингда!" деб номланган тадбир ўтказилди.

Тадбир

Жонли мулоқот тарзида ўтган учрашув давомида ёшлар ўзларини қизиқтирган мавзулар ва айрим муаммолар уюшмасини тақли-мулоҳазаларини баён этишди. Иштирокчилар

томонидан кўтарилган масалалар ва берилган саволларга шаҳар ҳокими ҳамда мутасадди идоралар раҳбарлари томонидан батафсил жавоб беришди.

Тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан спорт билан мунтазам шуғулланувчи ўқувчи қизларни рағбатлантириш мақсадида тақдим этилган 675 донна спорт кийимлари ўз эгаларига тантанали равишда топширилди. Шунингдек, спортнинг муайян тури бўйича Таиландда ўтказилган жаҳон чемпионатида фахри 2-ўрин эгаллаган олмалиқлик

ТАШАББУСЛАР ВА РАҒБАТ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши Бекобод туманидаги 15-умумтаълим мактабиди "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда "Соғлом аёл — юрт бойлиги" мавзусида табибий кўрик ва маънавий-маърифий тадбир ташкил этди.

Унда партиянинг вилоят, туман кенгаши аъзолари, "Аёллар қаноти" фаоллари, ёзувчи ва шoirлар, санъаткорлар, туман табиёт бирлашмаси шифокорлари иштирок этди. Йиғилишда сўзга чиққанлар мамлакатимизда хотин-қизларни эъзозлаш, уларнинг жамиятдаги ролини ошириш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири экани, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, замонавий мутахассис, малакали касб эгалари бўлишлари ҳамда соғлом ва мустақам оила қуришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш давлат ва жамиятнинг доимий эътиборида эканини таъкидлашди.

Сарвиноз БАҲОДИРОВА.

Юлдузхон МУҲИДИНОВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР "AUTO MEGA TRADE" МЧЖ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШИ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Аукцион савдосига: I. Тошкент вилояти, Қибрай тумани СИБ томонидан хатланган, Қибрай тумани "Гулноза Барака" МЧЖда сақланаётган: 1. 2010 йил 17 май куниндаги 4697-сонли ижро ҳужжатига асосан, бошланғич баҳоси — 4 076 284 сўм, 1987 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами Х1100-СА бўлган, "КАМАЗ-5511" русумли; 2. 2016 йил 18 январь куниндаги 1101-сонли ижро ҳужжатига асосан, бошланғич баҳоси — 1 161 927 сўм, 1976 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10А150НА бўлган, "ГАЗ-24" русумли; 3. 2013 йил 3 июль куниндаги 12426-сонли ижро ҳужжатига асосан, бошланғич баҳоси — 704 834 сўм, 1986 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10Т410АА бўлган, "Москвич-412" русумли; 4. 3325-сонли ижро ҳужжатига асосан, бошланғич баҳоси — 2 535 564 сўм, 1960 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11S8299 бўлган, "Волга М-21" русумли; 5. 2013 йил 22 декабрь куниндаги 32021-сонли ижро ҳужжатига асосан, бошланғич баҳоси — 2 543 137 сўм, 1988 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01X195МА бўлган, "ВАЗ-2106" русумли; II. Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани СИБ томонидан хатланган, Бўстонлик тумани, Фазалкент-2 "Мариам Текстиль Сервис" МЧЖ майдонида сақланаётган: 2015 йил 29 июль куниндаги 2-251-сонли ижро ҳужжатига асосан, бошланғич баҳоси — 2 620 012,04 сўм, 1985 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10А824КА бўлган, "АУДИ-81" русумли; III. Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан хатланган, Қорасув ҚФЙ жарима майдонида сақланаётган: 1. 2016 йил 25 май

куниндаги ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси — 3 094 831,88 сўм, 1989 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10W924FA бўлган, "ВАЗ-21063" русумли; 2. 2016 йил 14 июль куниндаги ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси — 5 971 968 сўм, 1989 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10X997СА бўлган, "ВАЗ-21063" русумли техник носоз автотранспорт воситалари тақроран савдога қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2016 йил 2 май кунини соат 11.00 да ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар қабул қилиниши (соат 10.00 дан соат 16.00 гача), аукцион бошланишидан олдин (аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати 2017 йил 26 апрель соат 16.00 гача) тўхтатилади. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "REAL AUCTION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Мировод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000900603278001, МФО 01101, ИНН 303877274. Манзил: Тошкент шаҳри, Исло Каримов кўчаси, 16-А уй. Тел: (0371) 239-29-40. Сайт: www.automegatrade.uz

Гувоҳнома № 009293.

ДИҚҚАТ! "VIP REAL ESTATE" МЧЖнинг юридик манзили ўзгарганлиги сабабли, аризалар ва қимодди савдолари Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 73-уйда қабул қилинади ва ўтказилади. Қўшимча маълумот учун манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 73-уй. E-mail: info@auksion.uz. Телефон: (0595) 193-74-96. Гувоҳнома № 005148.

ДИҚҚАТ! "REAL AUCTION" МЧЖнинг юридик манзили ўзгарганлиги сабабли, аризалар ва қимодди савдолари Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 73-уйда қабул қилинади ва ўтказилади. Қўшимча маълумот учун манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 73-уй. E-mail: info@realtors.uz. Телефон: (0595) 143-01-43. Лицензия рақами RR 0173.

ТУЗАТИШИ "REAL AUCTION" МЧЖ 1. "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2017 йил 18 март куниндаги № 23-24 (12971-72) сонидида чоп этилган реклама эълонини "2003 йилда и.ч." сўзлари кейинги ўринларда "2013 йилда и.ч." деб ўқилсин. 2. "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2017 йил 1 апрель куниндаги № 27 (12975) сонидида чоп этилган реклама эълонини "Газ-3202 русумли" сўзлари кейинги ўринларда "Газ-3302-14 русумли" деб ўқилсин.

Мактабда она тили ва адабиётдан дарс берган ўқитувчимиз "Кўп китоб ўқийдиган болаларнинг ҳаммаси ҳам олим бўлавермайди, ammo одам бўлишлари аниқ", дерди. Телевидениедаги болалар китоб-

ган қизиқиш мактабга қадам қўйиб, алифбони илк бор кўлга олиб, дастлабки ҳарфни таниганда янада кучайди. Биринчи синфни аъло баҳорлар билан битирганим учун фахрий ёрликқа қўшиб, кичкинагина ки-

фақат тирик сичқонни тутиб ейди, ўлигига ҳатто қарамайди ҳам. Қисқаси, қолган нонни паққос туширган мушук ҳам тирик ўликка айланади. Шу пайт хонага тасодифан кирган ўрмон "уч оғайни... пиянистала-

Устоз адиб Абдулла Қаҳҳор айтганидек, яхши асар қазига ўхшайди, яъни ўқиган саринг ўқинг келади. Ҳар ўқиганда янги маъно, янги ташбеҳ этасан, янги ташбеҳ туясан. Шундай китоблар бўлади-ки, бир,

буру Ҳумоюнларнинг бир кунги ёруғу бир кунги қоронғуликда кечган ҳаёти, аянчли қисматлари кимларнинг юрагини ўртамаган? Ва энг муҳими, ҳар қандай вазиятда ҳам улар каби одамийликка содиқ қолишни кимлар орзу қилмаган?



"ОЛМАЛИҚ"

ОМАДСИЗЛИК ТҮРИДАН ЧИҚМОҚДА, "МЕТАЛЛУРГ"-ЧИ?

Зеро, бу икки жамоамиз ўз фаолияти давомида бир неча мартаба мусобақанинг юқори ўринлари учун курашгани боис, вилоят номидан тўп сураётган футболчилардан ижобий натижага кутишга ҳақлимиз. Умуман олганда, "Металлург" ўтган йилги чемпионатни еттинчи ўринда яқунлаганини инобатга олиб, жамоанинг содиқ муҳлислари Рустам Мирсоидов ҳам жамоасидан бу йил ҳам мазмунли ўйин кўрсатишини кутаётган эди. Лекин бекободликлар чемпионатдаги дастлабки ғалабасини тўртинчи турга келиб кўлга киритди ва ўз майдонида "Шўртан" жамоасини 4:2 ҳисобда мағлубиятга учратди.

Бу ишончли ғалабадан сўнг муҳлислар "Металлург"дан бешинчи турда ҳам ғалаба истаётган эди. Гарчи "Металлург" пойтахтда "Пахтакор" билан ўйнаган бўлса-да, "Пахтакорчилар" мавсумни ўта бўш бошлагани учун бекободликларнинг ғалабасига ишонч бор эди. Лекин "Пахтакор"нинг "Металлург" билан бўладиган учрашувидан олдин бош мураббий вазифасини тажрибали мутахассис Равшан Ҳайдаровга топширилгани пойтахтлик ўйинига ижобий таъсир қилгани намоян бўлди. Натижада "Пахтакор" ўз ҳужумчиси Жасур Ҳажимов томонидан киритилган ягона гол эвазига эришилган ус-

туликни баҳс охиригача ушлаб қолди. "Олмалиқ" жамоасида эса ўтган йилдан буён пайсайиш кузатилмоқда. Илгари мусобақа жадвалининг ўрта погонларида юрган жамоа бултурги мавсумни 13-погонда яқунлади. Россиялик мураббий Виктор Кумиков бошқарувида топширилган жамоа жорий чемпионатни ўта омадсиз бошлади ва сафарда ўтказилган учта учрашувда "Бухоро", "Сўғдиёна" ва "Локомотив"га имкониятни бой берди. Дастлабки очко эса иккинчи турда "Бунёдкор"га қарши ўтказилган ва ҳисоб очилмаган уй

учрашувда олинди. Бешинчи тур олдида сўнги поғонага тушиб қолган "Олмалиқ" футболчилари ниҳоят омадсизлик тўридан чиқа бошладилар. Ўз муҳлислари кўз ўнгига кучли ўйин намойиш қилишга ўрганган футболчиларимиз кетма-кет учта учрашувда зафар қучган "Насар" жамоасига яққалешқадама айланмиш имконини бермади.



Бешинчи турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: "Шўртан" - "Локомотив" 2:0, "Бунёдкор" - "Қизилқум" 0:1, "Кўкюн-1912" - "Динамо" 2:1, "Навбахор" - "Машъал" 1:0, "Сўғдиёна" - "Обод" 1:0, "Бухоро" - "Нефтчи" 3:0.

Мусобақа жадвалида тўрт очко билан 14-погонани эгаллаб турган "Олмалиқ" навбатдаги турни 14 апрель кунги Тошкент шаҳрида "Обод" жамоасига қарши ўтказди. Ҳозирча уч очко эвазига 15-ўринда турган "Металлург" футболчилари 15 апрель кунги ўз майдонида "Навбахор" жамоасини қабул қилади.

Зоҳир ТОШҲУЖАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.
Муаллиф олган сурат.

КИТОБГА ОШУФТА КЎНГИЛ

хонлигини кенг оммалаштириш, ёш ижодкорларни кашф этиб, уларни ҳар жиҳатдан руҳлантириш ва рағбатлантиришга бағишланган навбатдаги кўрсатувда таниқли болалар шоирлари ҳамда ноширу муҳаррирлар болаларни эсини таниган пайтидан бошлаб китоб билан дўстлаштириш зарур, деган фикрни айтишди. Тўғри гап. Боғчадаёқ расмли китоблар билан "дўст тутинган" бола, бир умр ундан айрилмайди, шу беминнат ҳамоҳирига содиқ қолади.

Мен ҳам ҳали ҳарф танимай, яъни мактаб ёшига етмаёқ, китобнинг сехрли олами билан танишиш бахтига муяссар бўлганман, десам муболаға бўлмайди. Раҳматли онамизнинг бир сандиқ китоблари бўларди. Афсонавий ва тарихий шахслар ҳаёти, халқ химояси йўлидаги қаҳрамонликлари ҳақида битилган воқеаларни узоқ қиш тунлари позиллаган сандал атрофида ётиб олиб тинглардик.



Уқишга, умуман, китобга шу зайлда уйғон-
Бошланғич 1-бета.

рнинг аҳволини кўриб, гап нимада эканини фаҳмлагач, баттар ўқинади. Катта бўлсам, арақни оғзимга ҳам олмайман", деб ўзига-ўзи сўз беради. Хуллас, онам ўқиб берган кўхна тарихий асарлару "Ўрмоннинг мушуги" китобчаси ўзбек халқ эртақларию достонларини ҳаётимга бошлаб кирди. У пайтларда ҳозирги электр чироқлари қаёқда дейсиз? Керосин қуйиб ёқиладиган чироқнинг хира нурида, онам ва акаларим ухлаб қолганларидан сўнг ўғринча китоб ўқирдик.

нари борса икки марта ўқиб, ташлаб қўйилмайдим. Дам олиш кунлари уйда бекор қолганимизда яна ва яна кўлга оласиз, варақлайсиз. Аввалдан сизга таниш, ammo қайта соғина бошлаган ёқимли бир ҳолат тасвирланган саҳифага дуч келганимизда, ўзингизни бутунлай унутиб, балки ўзини, балки йигирманчи мартадир, яна ютқиб ўқишга тутунасиз. "Фарғона тонг отгунча", "Ўтган кунлар", "Юлдузли тунлар", "Авлодлар довоми"... Ҳуломжону Ҳаётхонлар, Отабеғу Қумушбиллар, Анвару Раънолар, шоҳ ва шоир Бо-

Хаёт қувончлари

Янгийўл тумани "Гулбоғ" маҳалласида яшовчи Дилшод Усаров қувончининг чеки йўқ. Унинг бундай "рекорд ўрнатиши" ҳеч кимни ҳаёлига келмаган эди. Негаки, бир йўла 4 нафар эгизак фарзанднинг отасига айланди. Ана хушхабару мана хушхабар!

БИР ЙЎЛА ТҮРТ ЧАҚАЛОҚ



Эгизаклар Исломжон, Фотиима, Зухра ва Захро бирин-кетин дунёга келишди. Чақалоқлар дастлаб туғуруқхонада 2 ой парваришланди. Малакали шифокор ва ҳамширалар чақалоқларни ҳаётга мослашиб олишида оилага яқин кўмакчи бўлишди.

Бундай бахт ҳаммага ҳам насиб этавермайди, - дейди тўрт боласини бағрига олган Дилшод Усаров. - Ҳомилдорлик даврида ультратовуш текширувидан сўнг бу ангилганимни эшитиб, ҳайратда қолдик. Тўғриси, 4 нафар болани парвариш қилиш осон эмас экан. Лекин атрофдагиларнинг бари ёрдам берапти.

Ҳозир бу оила яшайдиган хонадон мўъжазгина болалар боғчасининг ўзи. Кичкинтойларнинг қилиқлари, хатти-ҳаракатлари ўзларидан ширин.

Ен-атрофдагилар бу оилага қўлдан келганча ёрдам қилини қўзишмоқда. Мана, қинда Дилшод Усаров қоровул бўлиб ишлайдиган 61-мактаб раҳба-

Камалакнинг етти жилоси

Ўзбекистон Бадий академиясининг Камалиддин Беҳзод номидаги мемориал боғ-музейида республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатининг етти нафар ўқувчиси ижоди намуналаридан сараланган "Камалакнинг етти жилоси" номли кўргазма ташкил этилди.

Кўргазма

Мактаб-интернатнинг ўзига хос бадий усулга интиляётган рассомлик бўлими ўқувчилари 5-синфдан сўнг дастгоҳли рангтавсир, китоб графикаси, ҳайкалтарошлик, бадий кулолчилик ва дизайн каби алоҳида мутахассисликлардан сабоқ олмоқда. Ёш ижодкорларнинг ўз соҳаси устасига айланиши учун бу даргоҳда барча шарт-шароитлар яратилган.

Экспозицияда 5-синф ўқувчиси Ш. Султонова, 7-синф ўқувчилари А. Бобомуродов, Э. Сейтасанов, А. Хўжатоева,

8-синф ўқувчилари Ш. Жўраева, Д. Юсан, 9-синф ўқувчиси Р. Озодовнинг 100 дан ортқ рангтавсир ва графика ишлари намойиш қилинмоқда. Улар қаторида намойишга қўйилган 8-синф ўқувчиси Ш. Жўраеванинг "Хумсон қишлоғи", 9-синф ўқувчиси Р. Озодовнинг Оқтошга бағишланган бир-бирини тўлдирувчи қатор рангтавсир йўналишдаги ижод намуналарини муҳлислар катта қизиқиш билан томоша қилмоқдалар.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

Жиноятга жазо муқаррар

Ватанга наф келтириб яшаш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. Ватани шаънини ҳимоя қилиш, қайси жабҳада бўлмасин, унинг номини юксалтиришни ўзининг асосий мақсади қилиб олган одам том маънодаги ватанпарвардир. Бугун юрт шаънини кўкларга кўтарувчи ўғил-қизларимиз ҳар жабҳада фаол.

Истиклол имкониятларидан фойдаланиб дунёга чиқаётган, халқимизнинг ҳеч қимдан кам эмаслигини исботлаётган юртдошларимиз ҳам талай. Аммо, баъзилар борки, Ватан, миллат тушунчалари у ёқда турсин, одамийликдан ҳам беҳабар. Бундай кимсалар маънан қашшоқлиги туфайли ёт ғоялар таъсирига осон тушиб қоладилар. Баҳром Аҳмедов ҳам ана шундай гирдоб домига тушган кимсалардан. Меҳнатга бўйни ёр бермай, тараллабедод ҳаёт ва бебилиска пулни ҳаёл қилиб юрган Баҳромнинг хорижга бориб пул ишлаш орзуси

ушалганда жуда бахтиёр бўлди. Жанубий Кореяда ўтказган йилларида пул топиб ақлини йўқотди. Йўқса, ўзича Ўзбекистонда "Исломи халифалиги"ни кураман, деган ҳом ҳаёлга бормасди. Хуллас, ўша ерда гараз ни-

аҳвол сўраган бўлди Баҳром. - Э-э, жиян яхшимсан, - қуюққина кўришди Қобил. - Соғлигим жойида, Худога шукр. Ота-онамининг вафотларидан кейин уларни нуқул тушимда кураман. Бу гап Баҳром учун айни мудоа бўлди. - Э, ака, кофирлар ораси-

"мустаҳкамлаиб" бораверди. Таъсир доираси кенгайиб бораётганини ич-ичидан ҳис қилган Баҳром энди бу "мурид"ларини жиҳодга жалб қилиш вақти етди, деб ўйлади. Уларга "жиҳод" учун яхшигина ҳақ тўлашни ҳақида гапира бошлади. Мўмай бойлик дарағи ҳамсуҳбатлари-

ПУЛ ТОПАМАН, ДЕБ АҚЛИНИ ЙЎҚОТГАНЛАР

ятли шахслар тузоғига тушиб, Ватанга қарши борди. Исломи динининг асл моҳияти бузиб кўрсатилган турли маърузаларни тинглаб, китобларни ўқиб, "жиҳод", "халифалик" ҳақида ўйлаб бошлади. Сўнгра Ватанга қайтиб келиб, ўзига шерик қидиришга тушди. Эски танишлари Қобил Сулаймонов ва Турсунали Элтоевларни учратиб қолганда, уларнинг динга қизиқишидан фойдаланишни кўзлади. - Ака, боримсиз, соғлиқлар, уйдагилар яхшими, - ҳол-

да юрибмиз, улар билан овчакланамиз, мулоқот қиламиз, ота-онангиз бекорга безовта бўлишмаган, - деди Баҳром. - Уларнинг ҳаққига кўпроқ дуо қилинг. Шу гаплардан сўнг Баҳром уларга диннинг мазмун-моҳияти, ҳақиқий мусулмон қандай бўлиши кераклиги ҳақида қисқача "сабоқ" берди. Икки кундан сўнг Баҳромнинг уйда йиғилиб, суҳбатни давом эттириш ҳақида келишиб хайрлашдилар. Бундай учрашувлар ортагани сари, иштирокчиларнинг диний "саводхонлиги" ҳам

нинг шубҳаларини бутунлай тарқатиб юборди. Тўрқаси маслаҳатлашиб, Т. Элтоевнинг Туркияда ишлаётган холаси Олдиға бориш ва у ердан Суриядаги террорчи ташкилотлар сафига қўшилишни ўйлаб бошладилар. - Биродарлар, кофирларни ўлдириш савоб, - дея фалсафа сўқирди ўзича Б. Аҳмедов. - Шундай экан, ҳеч ўйланманглар. Бунинг устига пулдан дин аммоимиз бўлмайди. Шундай қилиб, бу "дин пешволари" гаразли режаларини амалга оширишга киришдилар.

Аммо, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг ҳушёрлиги сабаб бу ҳавоий ҳаракатларнинг вақтида олди олинди. Хориждан қайтган Б. Аҳмедовнинг ўзини туттиши ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларида шубҳа уйғотди ва уни мунтазам назоратга олдилар. Қузатувлар натижасида маънавийатига қурт тушган бу кимсанинг асл нияти, кирдикорлари маълум бўлди-қолди. Шу ўринда савол туғилади. Бугун қора курсида ўтирган бу кимсалар қилмишлари учун қонун олдида жавоб берадилар, ammo, виждонлари олдида қандай қилиб ўзларини оқлар эканлар?

Имом Бухорий, Ҳаким ат-Термизий, Маҳмуд Замахшарий сингари ота-оболаримизнинг Исломи оламидаги ўрни ва даражасини бугун дунё мусулмонлари эътироф этишади. Улар томонидан тўлланган саҳиҳ ҳадислар дунё олимлари учун диний илм ва қадрият борасида асосий маъна бўлиб хизмат қилмоқда. Шундай экан, ёт йўлларда тентираб, илм олам дая ҳаюлатга ботмоқдан маъно бормикан?..

Толғиб НИЗОМОВ.

<p>ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА</p> <p>Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги</p>	<p>Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ғайрат ШЕРАЛИЕВ</p>	<p>Маънавият: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.</p>	<p>Телефонлар: Қабулхона: 233-58-85 (факс) Бош муҳаррир ўринбосари: 233-70-10 Котибият: 233-79-96 Бўлим муҳаррирлари: 233-38-23, 233-48-08 Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59 Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10</p>	<p>Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.</p> <p>Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва сақлаланди.</p>	<p>Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА Назоратчи мусаҳҳиҳ Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУХҲАЕВ</p>
	<p>Хафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.</p>	<p>Буюртма S-8727. Адади 13 405.</p>	<p>Баҳоси келишилган нарҳда</p>	<p>Ҳажми - 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.</p>	<p>ISSN 2010-9318.</p>